

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ғ.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**КОБИЛОВ РУСТАМ РАЖАББОЙЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ГЕОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

УДК: 1:316 (575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Кобиров Рустам Ражаббойевич**

Ўзбекистон геоекτισодий сиёсатининг ижтимоий-фалсафий тахлили ..... 3

**Кобиров Рустам Ражаббойевич**

Социально-философский анализ геэкономической политики Узбекистана. 23

**Kobilov Rustam Rajabboyevich**

Socio-philosophical analysis of geoeconomic policy of Uzbekistan..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**КОБИЛОВ РУСТАМ РАЖАББЎЙЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ГЕОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal114 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тили) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тўйчиев Бердикул Тўрақулович фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сандқосимов Акбар Исаханович фалсафа фанларлари доктори (DSc), доцент Журақулов Фурқат Норйигитович сиёсий фанлар доктори (DSc), доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.30/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15-уй. Тел.: (66) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektorg@samdu.uz](mailto:rektorg@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-кават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№77-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15. Тел.: (66) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «13» сентябрь кунни тарқатилди.  
(2021 йил «13» сентябр даги 77 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Ш.Негматова  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джурақулов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа ф.б фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самалов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузурдаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кескин рақобатлашуви моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳасида янги авлод техника ва технологияларининг қўлланишини янада тезлаштириб кишилар, элатлар, миллатлар, халқлар ҳаётининг барча соҳаларини янада кенгроқ камраб олмоқда. Натижада, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида бир қатор айниятли, тафовутли, зиддиятли, инкорли ходиса ва жараёнларнинг катта сифатий ва миқдорий ўзгаришлари кузатилмоқда. Шу маънода, геоиқтисодий сиёсатдаги геомолия, геобошқарув, геотафаккур, геомаданият, геофалсафа, ҳуқуқий тизимкаби бошқа компонентларини такомиллаштиришнинг замонавий қонуниятлари ва тенденциларини аниқлаш ҳамда уларни бугунги давр характериға мослаштиришни тоқазо қилмоқда.

Жаҳон илм-фанида геосиёсатнинг илмий-назарий, сиёсий муаммоларини тадқиқ қилиш борасида етарлича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, геосиёсий, геомафкуравий жараёнларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг устувор йўналишлари, молиявий-иқтисодий инкирознинг келиб чиқиши ва уни бартараф этиш йўллари, глобаллашувнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий муаммоларини ёритишга бағишланган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда геоиқтисодиётни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда, унинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, минтақалар, ҳудудлар ўртасида янгидан шаклланаётган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг рационал прагматик ва оқилона бошқариш механизмларининг концептуал асосларини илмий-назарий тадқиқ этиш заруриятини юзага чиқармоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ички ва ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бу энг аввало геоиқтисодий сиёсат юритишнинг ўзига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий қонунларини ўрганишни талаб этмоқда. “Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсон имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва колоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмилий хусусиятларга эга турли хатти-харакатлар содир этилмоқда”<sup>1</sup>. Шу маънода, бугунги кунда мамлакатимиз геоиқтисодий сиёсатини – жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий ўзгаришларнинг мантиғини англаб олиш ва унда оғишмай ҳаракат қилишнинг назарий-методологик асосини ишлаб чиқиш масаласини ҳал этиш ҳаётий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” // Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент “O‘zbekiston” НМИУ, 2017. – Б.33 (592 б.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харатлар стратегияси тўғрисида”, 2016 йил 26 ноябрдаги ПФ-4853-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармонлари, 2016 йил 16 мартдаги ПК-2507-сон “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 21 июндаги ПК-3077-сон “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX аср охирига келиб глобаллашув масаласини ўрганиш давлат ва жамоат арбоблари, файласуфлар, иқтисодчилар, сиёсатшуносларнинг диққатини ўзига торта бошлади. Хусусан, хориж олимларидан З.Бжезинский, Т.В.Бревло, В.А.Дергачевлар, К.Жан, В.В.Желтов, В.Ю.Косов, О.В.Корниенко, Э.Г.Кочетов, В.Н.Купин, П.Савона, А.В.Филипенко, В.В.Фокина, Ф.Фукуяма, С.Хантингтон, Чэнь Циминь ва бошқалар томонидан ёзилган китоблар, илмий мақолаларида глобаллашувнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий муаммоларини ёритилганлигини кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Мазкур ишларда глобаллашув ва унинг оқибатлари жамият ҳаётининг барча соҳалари бўйича фалсафий таҳлилдан ўтказилиб, улар асосида бир қатор назарий ва амалий аҳамиятга молик хулосалар чиқарилган. Бирок, геоиқтисодий сиёсат ҳақида, унинг глобаллашув жараёнида тутган ўрни

<sup>1</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. - М.: Международные отношения, 2003. - 256с., Хантингтон С. Столкновение цивилизаций // Полс.-Москва, 1994. -№1.-С.33-48., Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности / Пер.с.анг. А.Башкирова.- М.: ООО Издательство АСТ:ООО Транзиткнига, 2004.-635с., Брвсто Т.В. Глобализация мировой экономики. - Ростов н/д: Феникс, 2008.-311с., Желтов В.В., Желтов М.В. Геополитика: история и теория.-М.: Вузовский учебник, 2009. - 445с., Косов Ю.Ф., Фокина В.В. Политическая регионалистика. - СПб.: Питер, 2009. - 192с., Fukuyama F. The End of History and the Last Man. 1992 y., Free Press, Корниенко О.В. Мировая экономика. - СПб.: Питер, 2009. - 256с., Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.-304 б., Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура.-Т.: “Фан”, 2007.-208б., Умаров Б. Глобаллашув индиглари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари.-Т.: “Маънавият”, 2006.-160б., Очилов А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар.-Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2009. -96 б., Раazzoков А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимлар тарихи. - Тошкент, “Молия” нашриёти, 2002й. 492 б., Ахмедов О., Абдурахмонов О. Халқаро иқтисодий муносабатлар, -Тошкент. Академик, 2007 й. - 282 б., Рахимова М. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ. Тошкент. Академия, 2006 й. 94 б., Миллий ғоя ва раҳбар масъулият. Қ.Назаров, И.Эргашев ва бошқалар. - Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. - 736 б., Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш / Ҳ.П.Абдулосимов ва бошқалар.-Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.- 544 б.

ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва мазмунига оид бир қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Марказий Оснѐда юз бераѐтган геонкисодий, геосиѐсий, геомафкуравий жараѐнлар ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга бағишлаб Р.М.Алимов, Ш.Р.Арифханов, Т.Ахмедов, У.Р.Кушаев, С.Мамашакиров, Н.Э.Мухаммадиев, Қ.Назаров, С.Отамуродов, С.С.Сафоев, А.Саидов, Б.Тўйчиев, Н.Сафарова, М.Ҳожиева, Б.Очилова, С.Чориев, Б.Валиев, Қ.Турсунов, И.А.Убайдуллаев, А.Холбеков ва Ж.Я.Яхшиликлар тадқиқотлар олиб боришган. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор геонкисодиѐт, мамлакатимизда мулкдорлар синфининг геонкисодий тафаккурини шакллантириш масаласига қаратилган бўлиб, уларда янги шароитда геонкисодий сиѐсат юритишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ѐритиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Ушбу йўналишда ѐзилган адабиѐтларнинг таҳлили ҳали мамлакатимизнинг геонкисодий сиѐсати ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат мавзуни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ислохотлар жараѐнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (харакатлар стратегияси асосида)” (2017-2021) мавзусидаги ПЗ-20170928696 рақамли амалий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геонкисодий сиѐсатнинг генезиси, эволюцияси, парадигмалари ва ривожланиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“дунѐнинг геонкисодий манзараси” ва “геонкисодий сиѐсат” тушунчаларининг фалсафий таҳлилин амалга ошириш натижасида, ташкилий тузилмалар, уларнинг объектив ва субъектив томонларини аниқлаш;

геонкисодий сиѐсатнинг халқимиз ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида мавжуд бўлган парадигмалари таҳлил этилиб, уларнинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги тарихий ўрнини кўрсатиб бериш;

геонкисодий сиѐсатнинг атрибутларини аниқлаб, уларни ифодаловчи “геонкисодий макон ва замон”, “геонкисодий ресурс”, “геонкисодий технология”, “геонкисодий тафаккур”, “геонкисодий хотира”, “геонкисодий уруш” каби тушунчаларга фалсафий таърифлар бериш асосида геонкисодий сиѐсатнинг тушунчалар аппаратини бойитиш;

Ўзбекистон геонкисодий сиѐсатининг “геодетерменистик”, “транскоммуникацион фаоллик”, “маънавий консенсус”, “миллий манфаатлар устуворлиги” каби ижтимоий парадигмалари таҳлил қилиниб, уларнинг мамлакатимиз геонкисодий сиѐсатининг устувор йўналишларини белгилашдаги назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда юз бераётган геоиктисодий жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистоннинг геоиктисодий сиёсати ва унинг назарий ва амалий масалаларини фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, тарихийлик ва мантикийлик, кузатиш, таққослаш, анкетали сўров, умумлаштириш, формаллаштириш каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон геоиктисодий сиёсатининг “геодетерменистик”, “транскоммуникацион фаоллик”, “маънавий консенсус”, “миллий манфаатлар устуворлиги” каби қонунларининг амал қилиш механизмларини такомиллаштиришда “дунёвий тафаккур” ва “ғоявий-маънавий тарбия” тамойилларини трансформациялаш зарурлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

“дунёнинг геоиктисодий манзараси” ва “геоиктисодий сиёсат” тушунчаларининг объектив ва субъектив омиллари диалектикаси ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маданий алоқа, гуманистик ёрдам каби геостратегик мақсадларини ҳаракатлантирувчи локомотиви эканлиги мантикий далилланган;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини оширишда геоиктисодий сиёсатнинг замонавий тадбиркорликни ривожлантиришдаги “тарихий тажриба”, “ворисийлик”, “ўз-ўзини ташкиллаштириш” каби тарихий парадигмалари детерменистик омил эканлиги асосланган;

геоиктисодий сиёсатнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи “геоиктисодий макон ва замон”, “геоиктисодий ресурс”, “геоиктисодий технология”, “геоиктисодий тафаккур”, “геоиктисодий хотира”, “геоиктисодий уруш” сингари замонавий атрибутларининг объектив борлиқдаги махсус туркуми фалсафий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

диссертацияда геоиктисодий сиёсатнинг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳияти турлари ва шакллари, характери ва йўналишлари аниқлаб берилган бўлиб, бу натижалар моддий ва маънавий бойликларни яратувчилар, улар томонидан ўзга минтақа ва давлатлар билан тенг шерикчилик асосида олиб бориладиган ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг самарадорлигини оширишда назарий-методологик асос вазифасини ўтаган;

илмий ишда бугунги кунда Ўзбекистон давлатининг геоиктисодий сиёсатини амалга ошириш мақсадида қўланилаётган янгича ижтимоий-иктисодий алоқаларнинг моҳияти ва механизми очиқ берилган бўлиб, бу натижалар ишбилармон доираларнинг геоиктисодиётга асосланган сиёсий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш, уларни коррупцион таъсирлардан ҳимоялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимини йўлга қўйишда қўл келган;



тадқиқотнинг асосий амалий натижаси Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган табиий бойликлардан ўзбек халқи миллий манфаатларининг устуворлигини кўзлаб унумли фойдаланишни йўлга қўйиш орқали мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада оширишга хизмат қиладиган чора-тадбирлар мажмуининг ишлаб чиқилгани билан боғлиқ.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган монография ва илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалардан бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзарасини яратиш, дунёнинг мафкуравий манзарасини ўрганиш, мамлакатимиз геоиқтисодий сиёсатининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорларнинг микро, макро, мега бозорларга чиқиши учун шарт-шаронглар яратиб бериш, халқаро муносабатларда иқтисодий дипломатиянинг ўрнини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун муайян илмий - назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва умумлашмалар, аниқ амалий таклиф ва тавсиялардан турли даража ва шаклдаги бугунги дунёнинг геоиқтисодий, мафкуравий манзараси, геоиқтисодий сиёсатнинг назарий-амалий масалалари, халқаро ташқи иқтисодий муносабатлар, инвестицион сиёсат, геоиқтисодий урушнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган тадбирларни ташкил этиш, тадбиркорларнинг саводхонлигини ошириш бўйича тегишли ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда мавзу бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертацияда илгари сурилган Ўзбекистонда геоиқтисодий сиёсатни амалга ошириш принцип ва воситалари, эркин иқтисодий зоналарга доир конструктив гоялари асосида:

Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсатининг “геодетерменистик”, “транскоммуникацион фаоллик”, “маънавий консенсус”, “миллий манфаатлар устуворлиги” каби ижтимоий-фалсафий аҳамиятга молик бўлган қонунларининг хусусиятларига доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ҳисоботи юзасидан қабул қилинган қарори ҳамда мазкур масала юзасидан ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг

2021 йил 19 февралдаги 01/2-193-сон маълумотномаси). Натижада ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар самарадорлигига ижобий таъсир этишга хизмат қилган;

“Бугунги дунёнинг геоектисодий манзараси” ва “геоектисодий сиёсат” тушунчаларининг объектив ва субъектив томонларига доир таклиф-тавсияларидан “Миллий гоё: – Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” номли дарслигининг 7-боби 2-параграфи I-бўлимида “Геостратегик максадлар”, “Геостратегик манфаатлар” каби мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 89-03-1184-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг мамлакатимиз геоектисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ва дунёнинг геоектисодий манзараси ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлиги, имкониятлари ва салоҳиятига оид таклиф-тавсияларидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда 2019 йил 22-23 ноябрь кунлари ўтказилган “Invest in Samarkand” номли I Халқаро инвестиция форумининг дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 21 майдаги 04-04/1321-сон маълумотномаси). Натижада халқаро форум якуни натажаларининг самарадорлигини орттиришга, форум иштирокчилари томонидан Ўзбекистон геоектисодий сиёсатининг назарий ва амалий томонларини кенг ўрганиш имкониятларини яратиб беришга хизмат қилган;

геоектисодий сиёсат атрибутларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятига оид таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 6 июнь кунини эфирга узатилган “Ислохотлар амалда” ва 2020 йил 22 август кунини эфирга узатилган “Иқтисодий ўсиш – фаровон турмуш асоси” мавзусидаги кўрсатувларнинг дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 ноябрдаги 09-01/332-сон маълумотномаси). Натижада кишиларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун моҳиятини чуқурроқ англашларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-назарий ҳамда илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфи ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зурурати, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижалар ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсати тадқиқининг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви натижасида геоиқтисодий маконлардан даромад топиш ва фойда кўриш учун давлатлар, трансмиллий компаниялар, фирмалар ўртасида товар айирбошлаш ва хизматлар кўрсатиш борасида ракобат кучайди. Шундай бир шароитда мустақил Ўзбекистон давлати ўзбек халқининг миллий иқтисодий манфаатларини кўзлаб даромад топиш ва фойда кўриш учун қандай тактик ва стратегик вазифаларни бажариши керак деган масала кун тартибига кўйилди. Буни эса жаҳонда тараққий этган ва ривожланиб келаётган давлатлар томонидан даромад топиш ва фойда кўриш борасида олиб бораётган геоиқтисодий сиёсатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини, улардан кўзланган мақсад ва муддаоларни фалсафий жиҳатдан англаш орқали ҳал этиш мумкин.

Диссертациянинг **“Геоиқтисодий сиёсатнинг генезиси ва эволюцияси”** деб номланган биринчи параграфида геоиқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий фенеомен сифатида пайдо бўлиш ва ривожланиш сабаблари таҳлил қилиниб, геоиқтисодиёт бу - муайян бир элат, миллат, халқ ва давлатларнинг қулай географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, ишлаб чиқариш салоҳияти, тадбиркорлик даражаси ва коммуникацион имкониятлари қараб ўзга элат, миллат, халқ ва давлатлар билан интеграциялашуви асосида ракобат майдонида устунликни қўлга киритиб кўпроқ даромад топиш, фойда кўриш мақсадида олиб бораётган иқтисодий фаолиятидир, деган фалсафий таъриф берилган. У элат, миллат, халқ ва давлатлар томонидан олиб борилаётган геоиқтисодий сиёсатнинг субстратини ташкил этади, деган фикр баён қилинган.

Бобнинг иккинчи параграфи **“Геоиқтисодий сиёсатнинг фалсафий парадигмалари”** деб аталиб, унда тадқиқотчи *геоиқтисодий сиёсатнинг фалсафий парадигмалари* бу – геоиқтисодиётнинг атрибутлари орқали жаҳон иқтисодиётининг моделини тасвирлаб берувчи назария, гоя ва фикрлар

тизимидир деган таърифни баён қилган ҳолда, унинг бир нечта шакллари борлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсатининг дастлабки фалсафий парадигмасини “Авесто” китобининг бош ғояси “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” ғоясига асосланган ҳолда мамлакатларнинг пайдо бўлиши, улар жойлашган ҳудудларнинг географик ўрни, табиати ҳақидаги билдирилган фикрлар асосида баён қилинган *геодетерменистик* ғоялар ташкил қилади. Бу фалсафий парадигма Абу Райҳон Беруний каби алимларимиз томонидан янада ривожлантирилган бўлиб ҳозирги кунга қадар ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсатининг иккинчи фалсафий парадигмасини буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, душман аскарлари устидан ғалаба қозониш, душманни тузукқа тушириш, мухалифларнинг кўнгилни топиб дўстга айлантириш, дўст ва душман орасида муомала, мурсою мадора қилиш борасида бажарган ишлари, улардан тўпланган тажрибалар асосида ёзилган “Темур тузуклари” китобида баён қилиниб ва амалда қўлланилган “Куч-адолатдадир” деган шиор асосига қурилган ҳар қандай ишни тadbиркорлик билан бажариш кераклиги ҳақидаги ғоялари ташкил қилади.

Шу билан бир қаторда ХХI асрга келиб жаҳондаги мамлакатлар томонидан юритилаётган геоиқтисодий сиёсатнинг замонавий: *кўп қутубли рақиблик, геоиқтисодий уруш (қамал), постиндустриал геоиқтисодий сиёсатни ўзгаришига асосланган – неоиқтисодий сиёсат* каби фалсафий парадигмалари ҳам мавжуддир.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи “Геоиқтисодий сиёсат атрибутлари ва уларни ифодалайдиган фалсафий тушунчалар” деб номланиб, унда тадқиқотчи геоиқтисодий сиёсат тушунчасига бу - бирон бир элат, миллат, халқнинг халқаро иқтисодий муносабатларда кўпроқ даромад топиш ва фойда кўриш мақсадида бошқаларга нисбатан ўзининг қўлай географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, табиий бойликлари, инфраструктураси ва коммуникация тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ишчи кучидаги устунликларидан унумли фойдаланган ҳолда мамлакат иқтисодиётини геостратегик жиҳатдан ҳаракатга келтириш санъатидир, деган фалсафий таъриф беради.

Геоиқтисодий сиёсат бирон бир мамлакатнинг жаҳон бозорларидан даромад топиш ва фойда кўриш учун моддий ва маънавий имкониятларни геостратегик жиҳатдан ҳаракатга келтириш воситаси сифатида ўзининг атрибутларига ҳам эгадир.

Мазкур атрибутларни акс эттирувчи тушунчаларни фалсафий жиҳатдан қуйидагича таърифлайди. Геоиқтисодий ресурс - ҳар бир элат, миллат, халқ ва давлатнинг оқилона геоиқтисодий сиёсат юритишига имконият яратиб берувчи табиий бойликларининг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий, геоиқтисодий жойлашув – муаян

бир элат, миллат, халқ ва давлатнинг иқтисодий куч-қудратга эга бўлган жаҳон ва регионал марказларга, шунингдек капитал, ишлаб чиқариш, товар ва хизматлар кўрсатиш оқимининг бош коммуникацион йўналишларига нисбатан қандай миқёсда жойлашганлигини ўзида инъикос этувчи, геоиқтисодий технологиялар - бирон бир давлат ёки регионал уюшмаларнинг геостратегик мақсадларини мувафакқиятли тарзда амалга оширишда иқтисодий куч-қудрат вазифасини ўтайдиган замонавий технологияларнинг янги авлодини амалда қўллаб кўпроқ даромад топиш ва фойда кўриш борасида олиб бораётган хатти-харакатларини ўзида ифодаловчи, геоиқтисодий онг - ўзининг географик ўрни, худудий жойлашуви, суверенитети, кадриятлари ва иқтисодий имкониятларига қараб даромад топиш, фойда кўриш мақсадида ўзгалар билан иқтисодий интеграцияга киришадиган барча субъектларнинг жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий жараёнларни диалектик инъикос этиш натижасида ҳосил бўлган эмпирик ва назарий билимларнинг инсон онгидаги инъикосидир, геоиқтисодий макон - жаҳон такрор ишлаб чиқариши жараёнида глобаллашиб ёки регионаллашиб бораётган иқтисодий тизимларнинг қўламини, ҳажминини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини; геоиқтисодий замон эса ана шу иқтисодий тизимларда содир бўлаётган ҳодисаларнинг кетма-кетлигини, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайдиган ижтимоий-фалсафий тушунчадир.

Диссертациянинг иккинчи боби “Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси ва унинг геоиқтисодий сўбатни амалга оширишда тутган ўрни” деб аталади.

Бугунги кунда жаҳон хўжалиги тизимининг таркибий тузилишида индустриал корхоналари билан бир қаторда тадбиркорликка асосланган янги эркин ижтимоий-иқтисодий субъектлар - хар хил турдаги фирмалар, глобал байналмиллалашган такрор ишлаб чиқариш мажмуалари шаклидаги иқтисодий марказларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиб бориши мавжуд дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзарасини қайтадан фалсафий таҳлил қилиш ва шу асосида унинг янги мазмундаги геоиқтисодий манзарасини вужудга келтириш, шакллантириш ва ривожлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Иккинчи бобнинг “Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси” тушунчаси, унинг мазмуни ва моҳияти” номли биринчи параграфидан “Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси” тушунчасини *биринчидан*, иқтисодиёт фалсафасининг категорияси; *иккинчидан*, илмий дунёқарашнинг махсус таркибий қисми; *учинчидан*, иқтисодиётга оид илмий билимларни системага солиш шакли; *тўртинчидан*, иқтисодиётнинг илмий тадқиқот дастури сифатида ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб, унга таъриф ва тавсиф бериши мақсадга мувофиқдир.

“Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси” тушунчаси энг аввало иқтисодиёт фалсафасининг категорияси сифатида онтологик мазмунга

эгадир. Унинг бу мазмуни инсон, давлат ва жамиятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий (масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, саноат, транспорт, алоқа, қурилиш, кишлоқ хўжалиги ва бошқалар) ва номоддий (масалан, маданий-маиший, тиббий хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш фаолиятининг объектив мавжудлиги, яъни жамият иқтисодий ҳаётининг инъикоси эканлиги билан ифодаланади.

Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси бу - муаян бир элат, миллат, халқ ва давлатнинг географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги, тарихий хотираси, кадриятлари, тадбиркорлиги, коммуникацион имкониятлари ва иқтисодий салоҳияти даражаларига қараб ўзга элат, миллат, халқ ва давлатлар билан турли хил даражада иқтисодий алоқага киришиб инсониятнинг келгусидаги моддий ва маънавий ишлаб чиқариш борасидаги истиқболини кўзлаб кўпроқ даромад топиш, фойда кўриш мақсадида ҳаракат қилаётган иқтисодий тизимлар ҳамда улар юритаётган иқтисодий фаолият турларини ифодалайдиган илмий-назарий билимлар, ғоялар, ёндашувлар, қарашлар ва тасаввурлар йиғиндисининг синтезидир.

Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзарасини, унинг таркибий тузилишини билмасдан туриб жаҳон бозорларига чиқиш, у ердан даромад топиш ва фойда кўриш мумкин эмас. Демак, бугунги дунёнинг шаклланиб бораётган геоиқтисодий манзарасини англашнинг мазмуни ва моҳияти жаҳонда глобал тарзда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг мантиғини тезликда англаб, ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшашни таъминлашдан иборат.

Мазкур бобнинг “Бугунги дунё геоиқтисодий манзарасининг таркибий қисмлари ва уларнинг фалсафий талқинлари” номли иккинчи параграфидан тадқиқотчи бугунги дунё геоиқтисодий манзарасининг таркибий қисмлари дунёнинг сиёсий-маъмурий, ташкилий-иқтисодий, регионал иқтисодий, геомолиявий, хом-ашё ресурслари, бозорлардаги нарх-наво, иқтисодий битимлар, ҳарбий-стратегик тузилишидан ташкил топишини таъкидлаган ҳолда уларни фалсафий жиҳатдан талқин қилиб қуйидаги хулосага келади.

Бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзарасининг таркибий тузилиши ва уларнинг фалсафий талқинлари: *биринчидан*, бугунги кунда мавжуд бўлган иқтисодий олам ва унга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг бир бирига таъсир ва акс таъсир этишидаги ҳаракатига туртки бўладиган ички алоқадорликларни ифодалаган ҳолда уларнинг ривожланиб бориш сабабларини, яъни *маббаити*; *иккинчидан*, иқтисодиёт оламининг қон томирларида (товар ишлаб чиқариш, молия бозори, пул муомаласи, валюта айирбошлаш, рақобат, тадбиркорлик ва бошқалар) бўлаётган микдорий ва сифатий ўзгаришлар ўртасидаги ўзаро боғланишларни ифодалаган ҳолда улардаги ривожланишнинг ўзига хос бўлган *механизми*; *учинчидан эса*, янги геоиқтисодий манзара билан эски иқтисодий манзара ўртасидаги алоқаларни ва уларнинг ворисийлик характерини, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

жабхаларидаги нарса ва ходисалар ривожининг илгарилаб, куйидан юкорига қараб бориш йўлларини ифодалаган ҳолда иқтисодий оламидаги ривожланишнинг *йўналишини* кўрсатиб туради.

Иккинчи бобнинг “Ўзбекистоннинг миллий геонқтисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари” номли учинчи параграфида, миллий геонқтисодий манзарани яратиш шартлари ва босқичлари тадқиқ қилинади. Ўзбекистоннинг миллий геонқтисодий манзараси бу - ўзбек халқининг географик ҳудудий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, кадриятлари, тарихий хотираси, коммуникацион имкониятларига қараб даромад топиш ва фойда кўриш мақсадида бошқа халқлар билан интеграцияланиши нағижасида ҳосил бўлган даромад турларини, таъсир зоналарини, геонқтисодий плацдармларини, стратегик интилишларини ўзида ифодаловчи локал характерга эга бўлган дунё геонқтисодий манзарасининг бир қисмидир. Буни яратиш, шакллантириш ва ривожлантириш бир неча босқичларда амалга оширилади. Уни яратишнинг *биринчи босқичда* миллий гоё асосида унинг мафқураси, назарий ядроси, таркибий тузилиши, ҳар хил шаклдаги бўғинлари, уларнинг талқинлари ишлаб чиқиши ва доимо такомиллаштириб бориш ишларини йўлга қўйиш; *иккинчи босқичда* унинг у ёки бу қисмини моддийлаштириш учун зарур бўлган ахборотларни етарли даражада тўшлаш, юз берган ва берадиган ўзгаришларнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларни қайд этиб бориш тизими аниқлаштириб олиш, бажарилаётган ишлар бўйича қўлласа бўладиган ахборот технологиялари таҳлил қилиш; *учинчи босқичда* уни топологик (фазонинг топологик хусусиятларига узлуксизлиги, ўлчамлилиги, тартибланганлиги, компактлиги, вақтнинг узлуксизлиги, бир ўлчовлилиги, орқага қайтмаслиги, чизикли боғланганлиги қиради ва у борлиқнинг туб сифат жиҳатларини акс эттиради)<sup>1</sup> жиҳатдан акс эттириш ва оддий ўлчамлар бўйича уларни бир бирига яқинлаштириш ишларини бажариш, яъни геонқтисодий маконда стратегик операцияларни амалга оширишни таъминловчи мантиқий ва математик моделларини яратиш; *тўртинчи босқичда* стратегик аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифалар, асосий қарорлар, юксак геонқтисодий технологиялар туркуми ишлаб чиқилади, турли хил вазиятларнинг ҳар хил вариантлари ўйнаб кўриш; *беешинчи босқичда* миллий геонқтисодий манзараси доирасида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашга қаратилган методологик ва методик базани яратиш керак.

Диссертациянинг учинчи “Ўзбекистон геонқтисодий сиёсатининг қонунлари, омиллари, принцип ва воситалари” деб номланган бобининг биринчи “Ўзбекистон геонқтисодий сиёсатининг асосий ижтимоий-иқтисодий қонунлари” параграфида файласуф олимлар томонидан қонун тушунчасига берилган таъриф ва тавсифларни методологик<sup>2</sup> асос қилиб олган ҳолда Ўзбекистон геонқтисодий сиёсатининг қонунлари тушунчасига

<sup>1</sup>Тураев Б.Фазо ва вақтнинг универсал хусусиятлари // Фалсафа ва ҳуқуқ журнали. махсус сон, 2011 й. - Б.12.

<sup>2</sup>Тулєнов Ж. Диалектика назариси. - Т.: “Ўзбекистон”. 2001. - Б.106. (324б). Данильян О.Г., Тараненко В.М. Философия: учбаник. - М.: Эксмо, 2009. - С.219. (521 с.).

қуйидагича фалсафий таъриф беради. Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсатининг қонунлари деб, мустақил мамлакатимизнинг географик ўрни, худудий жойлашуви, табиий бойликлари, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқаришдаги салоҳияти қараб ўзга давлатлар билан интеграциялашиш асосида жаҳон хўжалиги даромадидан кўпроқ улуш олиш учун олиб борадиган хатти - ҳаракатларининг характери ва йўналишини белгилайдиган, муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор ижтимоий-иқтисодий муносабатларига айтилади.

Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсатининг:

1) геоиқтисодий сиёсат маконидан даромад топиш ва фойда кўришда табиий ресурслар ва географик муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги, бунда географик муҳитнинг устуворлиги (*геоиқтисодий сиёсатнинг геодетерминистик қонуни*);

2) геоиқтисодий сиёсат маконидан даромад топиш ва фойда кўришда ишлаб чиқариш техника-технологиялари ва транспорт-коммуникациялари салоҳиятининг узвий алоқадорлиги, бунда транспорт коммуникацияларининг нисбий мустақиллиги ва фаоллиги (*геоиқтисодий сиёсатнинг транспорткоммуникацион фаоллик қонуни*);

3) геоиқтисодиёт маконидан даромад топиш ва фойда кўришда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларнинг ўзаро интеграциялашуви, бунда маънавий жараёнларнинг томонларни консенсусга келтириш (*геоиқтисодий сиёсатнинг маънавий консенсус қонуни*);

4) геоиқтисодиёт маконларидан даромад топиш ва фойда кўришда бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, бунда миллий манфаатларнинг устуворлигини таъминлаш (*геоиқтисодий сиёсатнинг миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш қонуни*);

5) геоиқтисодиёт майдонларидан даромад топиш ва фойда кўришда микро, макро, мега даражадаги бозорларга хом ашёлардан кўра, тайёр маҳсулотлар – “товар – объект” ва “товар – дастур”ларни чиқариб сотишнинг афзаллиги (*геоиқтисодий сиёсатнинг бозорларга хом ашёдан кўра, тайёр товар маҳсулотларини чиқариб сотишнинг афзаллиги қонуни*);

6) геоиқтисодиёт майдонларидан даромад топиш ва фойда кўришда мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитетини химоя қилиш учун геоиқтисодий урушларга баҳрам бериш (*геоиқтисодий сиёсатнинг мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун геоиқтисодий урушларга йўл қўймаслик қонуни*) каби ижтимоий-иқтисодий қонунларнинг мавжудлик хусусиятлари ўрганилиб, уларнинг маъно-мазмунини очиб беради.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “Ўзбекистон геоиқтисодий сиёсатини таъминловчи объектив ва субъектив омиллар диалектикаси” деб номланган бўлиб, унда тадқиқотчи Ўзбекистоннинг геоиқтисодий сиёсатини таъминловчи объектив ва субъектив омилларни умумий тарзда: табиий – географик; ижтимоий-иқтисодий; сиёсий-ҳуқуқий; маънавий-маданий



омиллар гуруҳига ажратиш мумкин. Шулардан, табиий-географик омиллар фақат объектив, колганлари эса ҳам объектив ҳам субъектив хусусиятга эга бўлган омиллар хисобланади. Масалан, Ўзбекистон геоиктисодий сиёсатини таъминловчи умумий тарздаги объектив табиий-географик омиллар муаян давлатнинг курукликдаги ер майдони, сув ва ҳаво муҳитини ўз ичига олса, унинг объектив ва субъектив хусусиятларга эга бўлган ижтимоий-иктисодий омилларга саноат, агросаноат мажмуаси, ёкилғи-энергетика, қурилиш мажмуаларини; ташкилотлар, муассасалар, корхоналарни; табиий – хом ашё, демографик ва меҳнат, илмий ва инновацион, ишлаб чиқариш, экологик ресурсларни; ишлаб чиқариш воситалари, товар ва хизматлар, капитал, ипотека, кимматли коғозлар, фонд, меҳнат, интеллектуал мулк объектлари, уй-жой бозорлари қиради.

Ўзбекистоннинг геоиктисодий сиёсатини амалга оширишига ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўтказувчи яна бир объектив айна вақтда субъектив бўлган омиллар ҳам мавжуддир. Уларга БМТ ва унинг иктисодий бўлинмалари, халқаро иктисодий ташкилотлар, халқаро интеграция бирлашмалари, дунёнинг йирик фонд биржалари, энг йирик банклари, энг йирик корпорациялари, жаҳон банки, халқаро валюта фонди ва ҳақозоларни қиритиш мумкин.

